

Ўзбекистон – Қирғизистон: халқаро анжуман мавзуси - ҳамкорликнинг янги йўналишлари



“Тараққиёт стратегияси” марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ) ҳамда Қирғизистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар миллий институти (СТМИ) томонидан гибрид форматда ташкил этилган конференция бошланди.

“Ўзбекистон-Қирғизистон стратегик шериклигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари” деб номланган анжуманда икки мамлакатнинг етакчи илмий-таҳлилий марказлари, шунингдек, вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон-Қирғизистон ҳамкорлигининг сўнги йилларда эришилган натижалари юзасидан фикр алмашади, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кучайтириш истиқболлини белгилаб олишади.



Манба